

Тошкентдаги УСМОН МУСҲАФИ: тадқиқотлар давом этмоқда

Қуръони каримни икки қўл билан тутиб, дастлаб унга лаб теккизиб, сўнгра манглайга тутиш манзараси мусулмонликдаги гўзал одатлардан бири саналади. Бу — илоҳий Каломга чексиз эҳтиром, эъзозимиз рамзи, тимсоли. Қуръони карим бўлмаган хонадон ёки китоб жавони нақадар ғариб кўринади кўзга. Алҳамдулиллаҳ, айти истиқлол йилларида кенг омма орасида муқаддас Китобимизни юксак эҳтиром ила қўлга олиб ўқийдиган, унинг маъно-мазмунига теран тафаккур ила назар-нигоҳ ташлайдиган ҳамюртларимиз сафи бирмунча кенгайди, кенгаймоқда. 2018 йил баҳори Ватанимиз тарихида илк марта Қуръони карим чоп этилган воқеа сифатида тарих зарварақаларига битилди.

Яхши биламизки, Қуръони карим оятлари 23 йил мобайнида Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Макка ва Мадинада, турли вақтларда ваҳий тарзида нозил этилган. Шу ўринда табиий савол туғилади: хўш, жаноби Расулulloҳга туширилган илоҳий каломлар қай тартибда яхлит китобга айлантирилган? Бунинг ўтмиши, тарихи олимларимиз, мутахассис тадқиқотчиларимиз томонидан аниқланганми?

«Ислом тафаккури» журналининг илк сониди айти мазкур саволлар юзасидан мухтасар сўз юритишга ният қилинди.



Аҳаджон ҲАСАНОВ,
тарих фанлари
доктори,
профессор,
Ўзбекистон
Республикасида
хизмат кўрсатган
ёшлар мураббийси

ВАҲИЙ КОТИБЛАРИ КИМЛАР?

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаброил алайҳиссалом воситаси-ла қабул қилиб олган ояти карималарни ўзларига яқин ва махсус ёд олувчи ҳофизларга оғзаки тарзда етказганлар ҳамда камёб бўлса-да хат саводли саҳобаларга ёздириб қўйганлар. Буни Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг имон келтириши воқеасида синглиси Фоти-ма бинт Хаттобнинг уйига бориб, у ерда Қуръони каримдан баъзи оятлар ёзилган қоғоз парчасини ўқигани ҳам тасдиқлайди.

Маккадан Мадинага ҳижрат қилинган, Қуръони каримни турли мато бўлақларига ёзиш куттоб ал-ваҳий – ваҳий котиблари томонидан давом эттирилди. Куттоб ал-ваҳийнинг умумий адади 44 кишини ташкил қилган ва улар орасида маълум ва машҳур саҳобалар – Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Зайд ибн Собит ва Убай ибн Каъб кабилар бўлган. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга янги нозил бўлган оятлар қайси сурадан экани ҳамда қаерда туриши лозимлигини кўрсатиб берганлар. Демак, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаёт пайтларида Қуръон сура ва оятлари асосан тартибга солинган, аммо турли ашёларга битилган ёзувлар яхлит ва тугал китоб шаклига келтирилмаган, алоҳида-алоҳида парчалар кўринишида сақланган.

Қуръони каримнинг «Бугун динингизни камолига етказдим, неъматимни тамомила бердим ва сизлар учун исломнинг дин бўлишига рози бўлдим» ояти каримаси нозил бўлди (Моидасураси, 3-оят). Мазкур оят исломнинг диний таълимот ва ақида сифатида тўлиқ шаклланиб бўлганини англатди.

ЗАЙД ИБН СОБИТНИНГ ЖУРЪАТИ ВА ЖАСОРАТИ

Инсоннинг умри боқий бўлмаганидек, 632 йили жаноби Пайғамбаримиз фоний дунёни тарк этганларидан сўнг динимиз кетма-кет оғир мусибатлар даврини бошдан кечирди. Эндигина исломни қабул қилган кўплаб араб қабилалари диннинг беш устунидан бири бўлган закотни беришдан бош тортиб диндан қай-

тди. Уларни динга қайтариш ва эндигина мукаммал бўлган ислом динини бундай хатарли таҳдиддан халос қилиш мақсадида уларга қарши жанглар бошланди. Шундай жанглардан бирида 1200 мусулмон ҳалок бўлди. Энг аянчлиси, уларнинг 70 нафари Қуръонни тўлиқ ёд олган ҳофизлар эди. Бу улкан талафот, йўқотиш эди. Таассуфлар бўлсинки, кейинги икки йил (Абу Бакр Сиддиқ халифалиги даври) тарих саҳифаларига «ар-ридда», яъни диндан қайтиш даври сифатида қайд этилди. Минтақа бўйлаб исломни тиклаш сари шиддатли жанглар давом этди. Мана шундай таҳликали бир паллада Аллоҳ каломини асраш, асраганда ҳам жамланган, мукаммал шаклга келтирилган ҳолда сақлаш ғоятда кечиктириб бўлмас вазифага айланди.

Ҳазрати Умарнинг маслаҳати билан Халифа Абу Бакр розияллоҳу анҳумо назоратни ўз қўлига олди ва Қуръонни оғзаки ва парчаларга ёзилган шаклидан бир китобга тўплаш вазифасини Пайғамбаримизнинг энг ёш котиби Зайд ибн Собит зиммасига юкледи. Зайд дастлаб «Пайғамбаримиз буюрмаган нарса» дея бу масъулиятни зиммасига олишдан бош тортди, сўнг бу ишнинг нақадар аҳамияти улканлигидан келиб чиқиб бемисл илмий-маърифий-тарихий жасоратга жазм этган.

Журъат ва жасорат демоқликнинг боиси шундаки, оятларни тўплаш ва уларни муайян тартибга келтириш алоҳида бир масала бўлса, уларнинг аслигига эришиш янада мушкулроқ мажбурият эди. Бунга Зайд ибн Собитнинг: «Агар мана бу тоғни бошқа жойга кўчиргин дейишса, мен учун у Қуръонни тўплашдан енгилроқ иш бўларди» деган сўзлари ҳам ёрқин далил.

Ҳозирги тилимиз билан айтганда, ўзига хос муҳаррирлик вазифасини адо этган Зайд энг тўғри йўлни танлади, яъни ҳар бир оят ҳофизи икки нафар шоҳид мавжуд бўлгандагина қабул қилинди. Шу тариқа кейинчалик «ас-Суҳуф ал-Бақрия» – «Абу Бакр саҳифалари» деб номланган мушхاف вужудга келди.

«Ас-Суҳуф ал-Бақрия» аввал Абу Бакр розияллоҳу анҳу қўлида, сўнг халифа

Умар розияллоху анҳуда, унинг вафотидан кейин эса Умарнинг қизи – Пайғамбаримизнинг аёллари Ҳафса розияллоху анҳо уйида сақланган.

ТИЛ ВА ЛАҲЖА МУАММОСИ

Ҳар қандай миллий тил таркиби қўлаб шева, лаҳжалардан ташкил топади. Араб тили қадим-қадимдан ниҳоятда кенг ҳудудларда амал қилгани боис ундаги шева ва лаҳжалар беҳисоб десак муболаға бўлмайди. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам Қуръонни араб тилининг ўша даврда энг кенг истеъмолда бўлган қуйидаги етти шевасида ўқишга ижозат берганлар: қурайиш, ҳузайл, сақиф, ҳавозин, кинона, тамим ва яман. Қуръони каримнинг мазкур лаҳжаларнинг барчасида нозил бўлгани ҳақида ҳам ривоятлар бор. Бундай йўл тутилиши бир томондан ўзаро ихтилофлар келиб чиқиши эҳтимолини камайтирган бўлса, иккинчи жиҳатдан, орадан йиллар ўтгани сайин нафақат араб халқлари, балки бутун дунё мусулмонлари учун Ягона ва Бошланғич манба ҳисобланган илоҳий Калом қироатидаги турли-туманлик

умумбирдамлик ва умумяхлитлик руҳига таҳдид сола бошлади. Ана шу ҳаётий зарурият туфайли ҳамда бу пайтга келиб қурайш шеваси асосида араб адабий тили шаклланиб бўлгани боис халифа Усмон (р.з.) (644–656) Қуръони каримни ягона шаклга келтиришга амр этди. «Қурайш шевасида ёзинглар, чунки Қуръон шу шевада тушган», деган эди у. Мазкур фармон ижроси сифатида Ҳафса она хонадонидида сақланаётган нусха кўчирилган. Илк бора Қуръон 6 нусхада кўчирилган ва «Имом мусҳаф» номи билан Мадина, Макка, Дамашқ, Куфа ва Басрага жўнатилган, бир нусха эса халифа Усмонда қолган. Ана шу 6 нусха «Имом мусҳаф» ҳамда фақат улардан кўчирилгани қонуний ёки асл дея эътироф этилган. Бошқа ҳар қандай нусхаларни йўқотиб юбориш буюрилган.

«УСМОН ҚУРЪОНИ»НИНГ БИР НУСХАСИ

«Имом мусҳаф» номи остидаги 6 нусха Қуръони каримнинг бирортаси бизнинг давримизга етиб келмаган. Халифа Усмон даврида кўчирилиб «Усмон мусха-



фи» номи билан бир неча йирик шаҳарларга юборилган нусхаларнинг тақдири ҳам маълум эмас. Айни вақтда ҳозирги кунда «Усмон Қуръони» деган номга «даъвогар» жаҳон узра 4 қўлёзма мавжуд. Булар – Тошкентда, Қоҳира шаҳридаги Имом Ҳусайн мақбарасида, Истанбул шаҳридаги мусулмон ёдгорликлари ва Тўп Қопи музейларида сақланаётган Қуръонлардир.

Усмон Қуръони сифатида эътироф этилиши учун биринчи ва асосий шарт – қўлёзманинг хати. Мазкур хат албатта ҳар қандай «ҳаракатлар», ҳарфости ва ҳарфусти нуқталаридан холи, «Мадина» ёки «Ҳижоз» хатида, кийик терисига ёзилган бўлмоғи даркор.

«ТОШКЕНТ ҚУРЪОНИ»


Ўзбекистон мусулмонлари идорасидаги махсус кошонада кўзқорачигидек сақланаётган Қуръони карим нусхаси жами 2156 бетнинг учдан бирини ташкил этади. Унинг 1450 бети бизгача етиб келмаган. Хат услубига кўра, яъни матннинг ҳаракат ва нуқталардан холилиги, асл қисми қоғозда эмас, кийик терисига ёзилгани, ҳарфларнинг қиррали эмаслиги, «алиф»ларнинг учи ўнгга сезиларли даражада бурилгани ва ҳоказолар унинг Ҳижоз ёзувида битилганидан аниқ далолат беради. Халқаро миқёсларда «Тошкент Қуръони» номи остида машҳур бўлиб кетган ушбу нусха Амир Темур томонидан Дамашқдан келтирилган деган фаразлар мавжуд.

Соҳибқирон Амир Темур 1401 йилнинг январь – февраль ойларида ўз қўшини билан Дамашқ шаҳрида 35 кун муқим тургани, кўплаб маҳаллий уламолар билан мулоқотда бўлгани ва бундан атиги

30-40 йил аввал Ибн Касир (1300 – 1372 йиллар) Дамашқдаги жоме масжидида Имом Мусҳафни кўргани ҳақида ўзининг «Фазоил ал-Қуръон» китобида ёзганини инобатга олсак, бу тахмин асосли кўринади.

Энг нозик муаммолардан бири – Тошкент Қуръони саҳифасидаги қора доғлар масаласи. Ҳақиқатан улар халифа Усмон қонининг изларими? Шу тахмин тасдиқланган тақдирда Тошкент

Қуръони тарихда биринчи тўпланган Қуръон дея эътироф этилишига тўла асос беради. Айрим овруполик мутахассисларнинг фикрича, Зайд ибн Собит қўли билан ёзилган биринчи Қуръон Мадинада қолган, ундан Дамашқ ва Басра нусхалари кўчирилган.



АСЛ ТАДҚИҚОТЛАР ДАВРИ КЕЛДИ

Ҳар қандай ҳаётий воқеа, фараз ва тахминлар жиддий илмий заминда олинган далиллар билангина чинакам қувватга айланади. Тошкент Қуръони, мана, бир ярим асрдан ошиб бормоқдаки, кўплаб изланишлар мавзуси бўлиб келмоқда. Юртимиз алломалари, уламолари махсус тадқиқотлар яратмоқдалар, рисоалар чоп этмоқдалар. Бу борадаги ҳеч бир саъй-ҳаракатни камситмаган ҳолда айтмоқчи эдикки, Тошкент Қуръони мукамал тарзда атрофлича ўрганиладиган, узил-кесил ҳулосалар чиқариладиган давр келди. Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг барпо этилиши, хусусан мазкур олий илм-фан маскани ислом дини тарихи билан боғлиқ ҳар қандай муаммога ойдинлик киритишга лаёқатли мутахассисларни тайёрлашига ишончимиз комил, инша Аллоҳ.